

## Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин. Жумладан, Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ва Марказий банкнинг ишонч телефони, Банк Бошқаруви Раисининг Виртуал қабулхонаси, банкнинг расмий электрон почта манзили (info@ofb.uz), Банкнинг «ишонч телефони» ва Call-маркази, почта алоқаси воситалари орқали ҳамда мустақил (ёзма) равишда банкнинг Девонхонасига тақдим қилишлари мумкин.

Мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг (11.09.2017 йил, рўйхат рақами ЎРҚ-445) «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг (02.07.2018 йил, рўйхат рақами 3030) «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида»ги Низомига мувофиқ кўриб чиқилади.

Банк томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш бепул амалга оширилади.

Мурожаатлар банкка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари банкнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.